

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАКУЛОВ БУРИ НОРБОЕВИЧ

**ТАЛАБАЛАР ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИНГ ИНДИВИДУАЛ-
ТИПИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси.
Умумий психология. Шахс психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
psychological Sciences**

Туракулов Бури Норбоевич

Талабалар эмоционал интеллектининг индивидуал-типик хусусиятлари.....3

Туракулов Бури Норбоевич

Индивидуально-типичные особенности эмоционального интеллекта
студентов.....27

Toraqulov Bori Norboevich

Individual-typical features of students' emotional intelligence51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАКУЛОВ БУРИ НОРБОЕВИЧ

**ТАЛАБАЛАР ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИНГ ИНДИВИДУАЛ-
ТИПИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси.
Умумий психология. Шахс психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD.P151 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (revome)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (Psi-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ZiyoNet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Расулов Абдумумин Ибрагимович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Жабборов Алим Мейликулович
психология фанлари доктори, профессор

Акромов Мирмуҳсин Рустамович
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги (PhD) 03/30.12.2021. P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «18» сентябрь куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодий фанлар факультети (4-кават, 409-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, "В" қисми, 2-кават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2023 йил «4» сентябрь да тарқатилди.
(2023 йил «4» сентябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).


Д.Ф.Мухамедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, психология фанлари доктори,
профессор

Ф.Т.Шерматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий қўшма психология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.С.Сафоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги психология соҳаларининг бугунги кундаги тадқиқотларида замонавий билим, илм ҳорижий тажрибалар, инновацион педагогик технологияларни кенг жорий этиш асосида, инсон интеллекти ва унинг ижтимоий муҳит билан алоқаси, интеллект турлари ва унинг инсон фаолиятидаги имкониятлари, интеллект тури даражасини таъминловчи психологик унсурлар каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 22 та этник йўналишнинг эмоционал интеллект (EQ) муаммоси бўйича тадқиқотлар амалга оширилганлиги, IQ ва EQ масалаларига оид 15 дан ортиқ мамлакатларда норматив турдаги ҳужжатлар мавжудлиги, эмоционал интеллект феноменининг бошқа турлари социал интеллект ва умумий интеллект каби дунё мутахассислари томонидан долзарб муаммо сифатида ўрганилмоқда¹.

Дунёда эмоционал ҳис этиш, бошқаларни тушуниш хусусиятларини шакллантириш орқали аффектив бузилишларнинг олдини олиш, ижтимоий вазиятларнинг мазмунини таҳлил қилиш орқали эмоционал интеллектни ривожлантириш, эмоционал интеллектини шакллантириш асосида шахснинг психологик маданиятини ошириш, эмоционал интеллект шахс қарор қабул қилишининг етакчи омили йўналишларида илмий изланиш олиб борилмоқда. Шунингдек, таълим муҳитида бўлғуси педагоглаларнинг интдивидуал-типик хусусиятлари орқали уларнинг касбий фаолиятга тайёрлиги, индивидуал-типик хусусиятлар асосида талабалар таълим йўналишига кўра эмоционал интеллект хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг таълим йўналиши хусусиятларига кўра касбий тайёргарликда қўллашнинг психологик хоссаларини тадқиқ этиш долзарбланимоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда замонавий таълим тизимида ўқитувчининг шахсий ва касбий камолотини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Шу нуқтаи назардан «олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш», «... кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларига кўра амалга ошириш», «...олий таълим муассасаларининг QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш»² вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлашда ёшлар таълим-тарбиясига оид ислохотлар туфайли, юртимиз келажаги учун юқори малакали мутахассисларни, юксак интеллектуал, маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган ёшларни тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

¹ World Intelligence Network. IQ и генетика. Архивная копия от 21 ноября 2017. – Р. 19. Wayback Machine.

² «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017-йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018-йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатдаги кенг қўламли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада таққуллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар инновацион ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш, уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эмоционал интеллект масаласи янги муаммо мақомига эга бўлганлиги боис ҳозирга қадар муаммо доирасида дунё психологияси соҳаларида ўзига хос илмий концепциялар ишлаб чиқилган. Эмоционал интеллектнинг эътироф этилишига оид дастлабки маълумотлар хориж психологияси тадқиқотларида акс этган. Мамлакатимиз психология фанининг соҳалари тадқиқотларида интеллектнинг ёшга оид хусусиятлари, касбий етуклик ва интеллектуал ривожланишнинг психологик жиҳатлари, касбий танлов ва ақл тестлари, интеллектни ўрганишнинг амалий масалалари, талабанинг касбий шаклланишида интеллект динамикаси каби масалалар психолог олимлар томонидан ўрганилган. Д.Г.Мухамедова, Э.Ғ.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, А.И.Расулов, Ш.Ж.Усманова ва Х.Г.Шарофутдиноваларнинг илмий тадқиқот ишларида умумий интеллектуал қобилиятлар, ўқувчилар интеллектининг диагностикаси, ижтимоий интеллект, иқтидорли болаларнинг интеллектуал сифатлари, ўқувчиларда техник қобилиятлар ва эмоционал интеллект диагностикаси каби қатор илмий изланишлар олиб борилганлигини кўришимиз мумкин³. Юқорида келтирилган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, мазкур тадқиқот ишимиз эмоционал интеллектнинг

³ Ғозиев Э.Ғ. Талабаларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 45; Давлетшин М.Г., Ковалев А.Г., Крутецкий В.А. Қобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 156 б.; Қодиров Б.Р. Касбий ташхис методикалари. – Т., 2002. – 56 б.; Расулов А.И. Психодиагностика. – Т.: ЎЗМУ, 2009. – Б. 45; Усманова Ш.Ж. Талабалар касбий ривожланишида интеллектнинг роли / Илмий-амалий конф. тўп. – Т.: ЎЗЖТУ, 2012. – Б. 168.

индивидуал-типик хусусиятларининг талабалар мисолида ўрганилганлиги билан фарқланади.

Бундай тадқиқотлар тизимига Д.Гоулман, Г.Орме, Дж.Мейер, П.Сэловей, Д.Карузо, Р.Бар-Он, М.Зайднер, М.Брайккет, В.Делувич, Ж.В.Керрочи, Р.Эммерлинг, Г.Бовер, Ж.Аверил, Г.Ормэ каби илғор хориж олимларининг изланишларини яққол мисол қилиш мумкин.

Бундай тадқиқотлар тизимига Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларининг энг эътирофга сазовор тадқиқотлари сифатида А.Г.Гладких, Д.В.Люсин, Э.Л.Носенко, Н.В.Коврига, О.И.Власова, С.П.Деревянко, М.А.Манойлова, Г.В.Юсупова, А.С.Петровскаяларнинг илмий изланишлари тан олинади⁴. Белорус олимларидан Т.П.Березовский, А.П.Лобанов ҳамда Е.А.Лобановлар, асосан, экзистенциализм ёндашувига кўра изланишлар олиб боришган.

Бундан ташқари, интеллект ва аффектив ҳолатларнинг маданий-тарихий концепциялари тадқиқотчилардан Л.С.Выготский, О.К.Тихомиров, А.Г.Асмолов, А.В.Брушлинский, В.П.Зинченко, В.А.Иванников, Т.В.Корнилова, Е.А.Сергиенко, С.Д.Смирнов, Г.У.Солдатова, Т.В.Корнилова, Д.А.Леонтьевларнинг асарларида акс этган⁵.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2017-2021 ўқув йиллари давомида таълим сифатини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ҳаракатлар режаси ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда илмий салоҳиятни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ҳамда илмий тадқиқот ишлари режасининг 01-729-рақамли «Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁴ Тихомиров О.К. Принятие решения как психологическая проблема / О.К.Тихомиров // Проблема принятия решения / под ред. П.К.Анохина. – М.: Наука. Вт. Изд., 2014. – С. 77; Асмолов А.Г. и др. По ту сторону гомеостаза: историко-эволюционный подход к развитию сложных систем / А.Г.Асмолов, Е.Д.Шехтер, А.М.Черноризов // Вопросы психологии, 2014. – № 4. – С. 3-13; Иванова Е.С. Автономность опознания и вербализации эмоций в структуре эмоционального интеллекта / Е.С.Иванова // В мире научных открытий, 2010. – № 6-2 (12). – С. 258-260; Корнилова Т.В. Динамическое функционирование интеллектуально-личностного потенциала человека в психологической регуляции решений и выборов / Т.В.Корнилова // Вестник Московского университета. Серия 14. Психология, 2011. – № 1. – С. 66-78; Сергиенко Е.А. и др. Русскоязычная адаптация теста Дж.Мэйера, П.Сэловея, Д.Карузо «Эмоциональный интеллект» (MSCEIT V.2.0) / Е.А.Сергиенко, И.И.Ветрова. – М.: Смысл, 2017. – С. 77; Смирнов С.Д. Мир чувств и чувство мира / С.Д.Смирнов // Психологическое знание: Современное состояние и перспективы развития / под ред. А.Л.Журавлева, А.В.Юревича. – М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2018. – С. 224-245; Солдатова Г.У. Толерантность: психологическая устойчивость и нравственный императив / Г.У.Солдатова // Психодиагностика толерантности личности / под ред. Г.У.Солдатовой, Л.А.Шайгеровой. – М.: Смысл, 2008. – С. 5-18; Корнилова Т.В. и др. Уровни нравственного самосознания, эмоциональный интеллект и принятие неопределенности: структурная модель / Т.В.Корнилова, Е.В.Новотоцкая-Власова // Вопросы психологии, 2009. Т. 6. – С. 60-70; Леонтьев Д.А. Саморегуляция как предмет изучения и как объяснительный принцип / Д.А.Леонтьев // Психология саморегуляции в XXI веке / под ред. В.И.Моросановой. – М.: СПб.: Нестор-История, 2011. – С. 74-89.

Тадқиқотнинг мақсади. Талабалар эмоционал интеллектининг индивидуал-типик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мазкур тадқиқот ишда қуйидагилар белгиланди:

талабаларда эмоционал интеллект феномени ва унинг ривожланишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш;

талабаларда эмоционал интеллект намоён бўлишининг индивидуал-типик хусусиятларини ўрганиш ва бошқа эмоционал жараёнлар билан боғлиқлигини ҳамда жинсга хос тафовутларини очиб бериш;

талабаларда эмоционал интеллектнинг индивидуал-типик хусусиятларини таълим йўналишларига кўра ўзига хослигини аниқлаш;

талабалар эмоционал интеллектнинг индивидуал-типик хусусиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ОТМ талабаларининг эмоционал интеллектини такомиллаштириш жараёни белгиланган бўлиб, унда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Термиз давлат университети ҳамда Тошкент давлат педагогика университетларида таҳсил оловчи талабалардан 292 нафар синалувчилар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети. Талабалар эмоционал интеллектини таҳлил қилиш ҳамда унинг индивидуал-типик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда Дж.Равеннинг «Прогрессив матрицалар» тести; Дж.Гилфорднинг «Социал интеллектни аниқлаш» сўровномаси; Н.Холлнинг «Эмоционал интеллект» сўровномаси; Д.Люсинанинг «Умумий эмоционал интеллектни ўрганиш» сўровномаси; В.М.Русаловнинг «Индивидуалликни расмий-динамик хусусиятлари сўровномаси», шунингдек, маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистика методлари, яъни Студентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти, факторли ва дискриминант анализ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг вербал ва новербал экпрессия, эмоционал кечинмаларни баҳолашга ўргатиш орқали эмоционал интеллектининг новербал хулқ-атворни тушуниш, мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш, ўзга инсонлар кечинмаларини сезиш каби хусусиятларини ривожлантиришда ҳаракатланиш кучи, қўзғалиш кучи, мувозанатлашганлик энг таъсирчан индивидуал-типик хусусиятлар эканлиги далилланган;

ўқув фаолиятида талабаларнинг эмоционал интеллекти умумий интеллектуаллик ва индивидуал-типик хусусиятларининг эрг, пластиклик, темп сифатлари таъсирида конструктив мазмунда шаклланиши сабабли уларда ўзга инсонларнинг вербал ва новербал хулқ-атворни тушуниш, эмоцияни идентификациялаш, эмоцияни тартибга солиш хусусиятларини кучайтириши асосланган;

эмоционал интеллект билан индивидуалликнинг психомотор, интеллектуал, коммуникатив фаоллик хусусиятларининг ўзаро

муносабатлари туфайли касбий ва ҳаётий вазиятларда бошқаларнинг ҳиссий кечинмаларини тезкор равишда идрок этишида талаба йигитларда психик барқарорлик хусусиятининг кучли бўлганлиги сабабли бошқаларга нисбатан талабчанлик, максимализм, бошқаларни кузатишга нисбатан сезгирликни, талаба қизларда сенситивлик хусусиятининг устунликка эгалиги сабабли эса ижодийлик, юқори фантазия, кучли интуициянинг ифодаланганлиги етакчи индивидуал-типик хусусиятдаги жинсга хос тафовутлари эканлиги аниқланган;

касбий тайёргарлик жараёнида талабалар индивидуаллигининг расмий-динамик хусусиятлари билан эмоционал интеллектининг ўзаро таъсирлашуви натижасида болаларга нисбатан эмпатияли бўлиш, кечинмаларга нисбатан сезувчанлик, болалар экспрессиясини бошқара олиши (дефектология), коммуникатив фаоллик, интерперсонал эмоционал интеллект ва туйғуларни бошқариш (бошланғич таълим ва спорт иши), эмпатия, экспрессияни бошқариш, шахслараро эмоционал интеллект, туйғуларни тушуниш, туйғуларни бошқариш (педагогика-психология) қобилиятларининг намоён бўлишига кўра, таълим йўналишига хос индивидуал-типик хусусиятларни ифодалаши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, эмоционал интеллектни ўрганишда олий таълим муассасалари талабаларининг индивидуал-типик хусусиятларини психологик жиҳатдан ўрганишга доир методика ва сўровномалар амалиётга жорий қилинган;

талабалар эмоционал интеллектининг индивидуал-типик хусусиятларини ўрганиш орқали улардаги эмоционал интеллектга таъсир кўрсатувчи психологик омиллар ва эмоционал ҳолатлардаги ўзгаришлар аниқланган;

Олий таълим муассасалари талабалари фаолиятида юзага келадиган эмоционал компетентликнинг пайдо бўлишини таҳлил қилиш бўйича амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган психодиагностик тадқиқот натижалари текширилди ва амалий фаолиятда қўллаш учун тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Бунда Республика ва халқаро миқёсида илмий-амалий анжуман материаллари ҳамда тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар назарда тутилган. Диссертация иши жараёнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қатнашган синалувчиларнинг мос равишда танлаб олингани, олинган амалий натижаларнинг илмий жиҳатдан асослангани, жаҳон психологиясида тажрибалардан кўп маротаба ўтказилган тест ва сўровномалардан фойдаланилгани, олинган амалий натижалар назарий концептуал жиҳатдан ёритиб берилгани, амалий натижалар миқдорий кўрсаткичларнинг математик-статистиканинг ишончли методлари, яъни факторли-дискриминант анализ ва К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти методлари

ёрдамида таҳлил қилингани, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан характерланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олий таълим муассасалари талабалари фаолиятида намоён бўлувчи, эмоционал интеллектнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга қаратилган назарий ҳамда амалий маълумотлар акс этган бўлиб, унинг онтогенез психологияси, педагогик психология, шахс психологияси, психодиагностика, умумий психология, ривожланиш психологияси, шахслараро муносабатлар психологияси, ички регуляция курси ҳамда амалий психология каби соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Олинган натижалар мазкур тадқиқотнинг назарий асосларини такомиллашувига, талаба ёшларнинг ўз хис-туйғуларини бошқара олишига, бошқаларнинг туйғуларини тушуна олишига ва институт, университет, психологи фаолиятида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса олий таълим муассасалари тизимида психологик хизматни ташкил этишда, ўспирин ёшдаги талабаларнинг фаолиятида намоён бўладиган эмоционал интеллектни юзага келтирувчи психологик омилларни аниқлашда, ўқув фаолиятида ҳиссий ва ақлий-интеллектуал жараёнларни ривожлантиришда самара бериши, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар асосида таълим муассасалари амалиётчи психологлари ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари кенг фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабалар эмоционал интеллектининг индивидуал-типик хусусиятлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

мимика, пантомимика ва экспрессияга кўра мулоқотда шахснинг новербал ва вербал хулқ-атворини тез тушунадиган талабалар орасида асаб тизимида кўзғалиш кучи етакчи бўлганларда социал интеллект, ҳаракатланиш кучи юқори бўлганларда новербал хулқ-атворни тушуниш ва тормозланиш кучи устувор бўлганларда шахслараро ўзаро таъсирлашув хусусияти хос эканлиги исботланганлиги ҳақидаги таклиф ҳамда маълумотлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 4-сонли буйруғига асосан «Умумий психология» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги П-М-3а-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида бўлажак педагог психологларнинг педагог шахси ҳамда педагогик фаолият билан боғлиқ эмоционал интеллект ҳақидаги билимларини такомиллаштириш орқали уларнинг касбий компетентлик даражасининг ортишига эришилган;

ўқув фаолиятида талабалар эмоционал интеллектни умумий интеллектуаллик ва индивидуал-типик хусусиятларининг эрг, пластиклик, темп сифатлари таъсирида конструктив мазмунда шаклланиши сабабли

уларда ўзга инсонларнинг вербал ва невербал хулқ-атвори тушуниш, эмоцияни идентификациялаш, эмоцияни тартибга солиш хусусиятларини кучайтиришига доир илмий таклифлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 4-сонли буйруғига асосан «Умумий психодиагностика» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги П-М-За-сонли маълумотномаси). Илмий ишда келтирилган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш натижасида Марказдаги лабораторияларнинг илмий-методик таъминотининг бойитилишига ва педагог-психологларнинг эмоционал интеллектини прогнозлаш имкониятини берувчи кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашган;

эмоционал интеллект билан индивидуалликнинг психомотор, интеллектуал, коммуникатив фаоллик хусусиятларининг ўзаро муносабатлари туфайли касбий ва ҳаётий вазиятларда бошқаларнинг ҳиссий кечинмаларини тезкор равишда идрок этишида талаба йигитларда психик барқарорлик хусусиятининг кучли бўлганлиги сабабли бошқаларга нисбатан талабчанлик, максимализм, бошқаларни кузатишга нисбатан сезгирликни, талаба қизларда сенситивлик хусусиятининг устунликка эгалиги сабабли эса ижодийлик, юқори фантазия, кучли интуициянинг ифодаланганлиги етакчи индивидуал-типик хусусиятдаги жинсга хос тафовутлари эканлиги аниқланганлиги билан боғлиқ илмий таклифлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 4-сонли буйруғига асосан «Ривожланиш психологияси ва педагогик психология» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги П-М-За-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётда қўллаш натижасида бўлажак амалиётчи психологларнинг «эмоционал интеллект», «касбий фаолиятга барқарорлиги»ни ривожлантириш борасидаги касбий компетенциялари такомиллаштирилган;

касбий тайёргарлик босқичида таълим йўналиши хусусиятига кўра, талабалар (дефектология, педагогика ва психология, бошланғич таълим ва спорт тарбия иши таълим йўналиши) индивидуаллигининг расмий-динамик хусусиятлари билан эмоционал интеллектнинг ўзаро таъсирлашуви натижасида уларда болаларга нисбатан эмпатияли бўлиш, кечинмаларни сезувчан, болалар экспрессиясини бошқара олиши (дефектология), коммуникатив фаоллик, интерперсонал эмоционал интеллект ва туйғуларни бошқариш (БТ ва СТИ), эмпатия, экспрессияни бошқариш, шахслараро эмоционал интеллект, туйғуларни тушуниш, туйғуларни бошқариш (педагогика-психология) каби индивидуал-типик хусусиятлар ҳослиги далилланганлиги ҳақидаги илмий натижалардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 4-сонли буйруғига асосан «Консультатив психология ва

психокоррекция» модули мавзулари мазмунини оптималлаштиришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги П-М-За-сонли маълумотномаси). Натижасида амалиётчи психологларнинг педагоглар жамоаси билан касбий стрессни бартараф этишга қаратилган психопрофлактик ва психокоррекцион тадбирларни олиб бориш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув-услубий таъминот базасини оптималлаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ОАК тасарруфидаги 3 та хорижий, 9 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, булардан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 9 та параграф, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқот усуллари, объектлари ва предметлари аниқланган, диссертациянинг мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган. Ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Психологияда эмоционал интеллект муаммосини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган бўлиб унда эмоционал интеллектнинг хориж психологиясида ўрганилганлик ҳолати келтирилган. Жумладан, эмоционал интеллект муаммосининг илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилиши, эмоционал интеллектни феномен сифатида тушуниш ва уни ривожлантиришнинг психологик характеристикаси тавсифлаб берилган. Илмий-назарий таҳлил асосида эмоционал интеллектни талабалар мисолида тадқиқ қилишда психологик хусусиятларнинг ўрни ёритиб берилган.

Эмоционал интеллект замонавий психологик тушунча сифатида жамиятнинг ўзига хос ижтимоий-маданий хусусиятларини акс эттирувчи илмий категориядир. Хусусан, унинг замирида инсоннинг муваффақият

қозониш истаги, шахсий ва касбий ўзини ўзи англаши, ҳиссий ҳаёт ва бошқа одамларнинг ҳиссий қадрини ошириш, бошқа томондан эса коммуникатив стрессларнинг кўпайиши, нейропсихик стрессларнинг кўпайиши, психосоматик касалликлар сонининг ошиши, касбий ўз-ўзини англашдаги қийинчиликлар ва узоқ умр кўриш каби унсурлар мазмуни ҳам мавжуд.

Тадқиқотчилардан А.В.Карпов ва И.М.Скитяевалар эмоционал интеллектни «метакогнитив» қонуниятлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилдилар, уни метажаараёнли ҳодиса деб таърифлайдилар. Чунки эмоционал интеллект ҳам билиш жараёнлари, ҳам иродавий соҳа элементлари билан тавсифланиши керак. Бошқа олимлардан фарқли ўлароқ, К.Изард ўз интегратив моделида эмоционал онгнинг интеграл хусусиятларини ҳамда эмоционал интеллектнинг айрим жиҳатларини ўзига хос қобилиятлар йиғиндиси деб тушунтиради. Аммо мазкур модел эмоционал интеллект мазмунида тартибга солиш категориясини ҳисобга олмайди. Яъни ирода функциялари ушбу категория учун шарт эмас.

Бундан ташқари, Т.И.Семенованинг айтишича, эмоционал интеллект ўз мазмунида ўз туйғуларини англаш, ўзига ҳурмат, ҳимоя механизми, ўзига ишонч, жавобгарлик, бағрикенглик, ўзини ўзи бошқариш, фаоллик, мослашувчанлик, қизиқиш, самимийлик, муваффақият мотивлари кабиларни ҳам қамраб олади. Кейинчалик муаллиф яна бир қатор сифатлар – хушмуомалалик, алтруизм, ҳамдардлик, бошқа одамнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ўзини ривожлантириш қобилияти, одамларга ҳурмат, шахслараро муносабатларни муносиб баҳолай олиш, башорат қила олиш қобилияти, жамоада ишлаш қобилияти, ҳамкорликка мойиллик, комформизм каби хусусиятларни ҳам қўшиб ўтади. Ушбу таҳлилда эмоционал интеллектнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари кўпроқ эътиборга олинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Талабалар эмоционал интеллектини тадқиқ этишнинг методологик жабҳалари»**га бағишланган бўлиб, мазкур бобда талабаларда эмоционал интеллектни ривожлантиришга доир илмий концепциялар, эмоционал интеллектнинг методологик масалалари, талабаларда эмоционал интеллект намоён бўлишининг индивидуал-типик хусусиятлари, эмоционал интеллектнинг индивидуал-психологик структураси ва талабаларда эмоционал соҳанинг психологик ўзига хослиги таҳлил қилинган.

Шунингдек, эмоционал интеллект масаласига доир чет эл психологларининг илмий-назарий қарашларини таҳлил қилишнинг методологик жабҳалари таҳлилий материаллар асосида тушунтириб берилган. Бундан ташқари талабаларда эмоционал интеллектни ривожлантирувчи муносабатлар илмий-амалий жиҳатдан асосланган ва талабалик даврида эмоционал интеллектга таъсир кўрсатувчи психологик омилларнинг ўрни келтириб ўтилган.

«Талабалар эмоционал интеллектининг индивидуал-типик хусусиятлари эмпирик тадқиқи» деб номланган диссертациянинг учинчи боби талабаларда эмоционал интеллект ривожланишининг психологик ўзига

хослиги, эмоционал интеллектнинг индивидуал-типик хусусиятлари, талабаларда эмоционал интеллектнинг ривожланиши, эмоционал интеллект ва шахс интеллектуал сифатларининг ўзаро алоқадорлиги, эмоционал интеллект билан индивидуалликнинг расмий-динамик хусусиятларнинг ўзаро муносабатлари ёритилган. Тадқиқотда талабаларда эмоционал интеллектни шакллантиришнинг индивидуал-типик хусусиятларини ўрганиш учун Дж.Равен томонидан ишлаб чиқилган «Прогрессив матрицалар яъни умумий интеллект» тести, Дж.Гилфорднинг «Социал интеллектни ўрганиш хусусиятлари» сўровномаси, Н.Холлнинг «Эмоционал интеллект хусусиятларини ўрганиш» сўровномаси ва Люсина томонидан ишлаб чиқилган «Умумий эмоционал интеллект кўрсаткичлари» каби сўровномалардан фойдаланиш амалга оширилди.

Тадқиқотда талабаларнинг умумий интеллект билан социал интеллект кўрсаткичлари бўйича факторли таҳлил амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Умумий ва социал интеллект кўрсаткичлари сўровномалари даражасининг факторли анализ кўрсаткичлари (N=292)

Шкалалар	Компонентлар			
	1	2	3	4
Умумий интеллект	-0,082	0,221	0,860	-0,304
Мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш	0,738	0,330	0,129	-0,308
Новербал хулқ-атвори тушуниш	-0,016	0,685	0	0,699
Вербал экспрессияни тушуниш	0,715	-0,401	-0,241	-0,057
Шахслараро ўзаро таъсир	-0,176	0,724	0,432	0,425
Социал интеллект	0,843	-0,065	0,266	0,391

Факторли таҳлиliga кўра, тўртта фактор аниқланди. Биринчи факторни мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш (0,738), вербал экспрессияни тушуниш (0,715) ва социал интеллект (0,843)дан иборат юқори вазнли коэффицентлар ташкил этди. Шу хусусиятига кўра «Социал интеллект – мулоқот ва вербал экспрессия ифодаси сифатида» деб номланди. Иккинчи фактор новербал хулқ-атвори тушуниш (0,685) ва шахслараро ўзаро таъсир (0,724)ни ўз ичига олган юқори юкламали коэффицентлардан иборат. Факторга «Социал интеллект – хулқ-атвори тушуниш воситаси сифатида» деб ном берилди. Учинчи фактор умумий интеллект (0,860) ва шахслараро ўзаро таъсир (0,432) даражаларидан иборат. Мазкур фактор «Умумий интеллект ва шахслараро ўзаро таъсир» деб номланди. Тўртинчи шкалани ташкил қилган психологик бирликлар: новербал хулқ-атвори тушуниш (0,699) ва шахслараро ўзаро таъсир (0,425) каби юқори вазнли

коэффициентлардан иборат. Ушбу фактор «Новербал хулқ-атвор билан шахслараро ўзаро таъсирлашув социал интеллектни элементи сифатида» деб номланди. Аниқланган тўртала фактор педагогика таълим йўналишидаги барча тоифа талабалар касбий тайёргарлиги ва касбий фаолияти учун муҳимлигини кўрсатмоқда.

Талабаларда эмоционал интеллект ривожланишининг индивидуал-типик хусусиятларига доир тадқиқотимизда олий таълим муассасалари талабаларининг эмоционал интеллектнинг индивидуал-типик хусусиятларига сабаб бўлувчи бир қатор психологик хусусиятлар таъсир этиши эмоционал интеллектни тадқиқ этиш сўровномалари орқали таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Талабаларда эмоционал интеллектнинг индивидуал-типик хусусиятларининг кўрсаткичлари (N=292)

Шкалалар	Факторлар		
	1	2	3
Бошқаларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш	0,541	-0,197	-0,370
Бошқаларнинг ҳис-туйғуларини бошқариш	0,299	0,709	0,286
Ўз ҳис-туйғуларини тушуниш	0,497	0,501	-0,265
Ўз ҳис-туйғуларини бошқариш	0,349	-0,439	0,342
Экспрессияни бошқариш	0,589	0,050	-0,340
Шахслараро эмоционал интеллект	0,510	-0,413	-0,064
Интерперсонал эмоционал интеллект	0,564	0,224	0,183
Туйғуларни тушуниш	0,389	-0,040	0,501
Туйғуларни бошқариш	0,510	-0,114	0,406
Умумий эмоционал интеллект	0,670	-0,108	-0,216
Ҳаракатланиш кучи	0,763	0,423	-0,114
Тормозланиш кучи	0,710	0,539	-0,222
Қўзғалиш кучи	0,648	0,522	-0,227
Мувозанатлашганлик	0,631	-0,304	-0,216

Талабаларда эмоционал интеллект ривожланишига «бошқаларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш», «ўз ҳис-туйғуларини тушуниш», «экспрессияни бошқариш», «шахслараро эмоционал интеллект», «интерперсонал эмоционал интеллект», «туйғуларни бошқариш», «умумий эмоционал интеллект», «бошқаларнинг ҳис-туйғуларини бошқариш», «ҳаракатланиш кучи», «тормозланиш кучи», «қўзғалиш кучи», «мувозанатлашганлик» ва «туйғуларни тушуниш» каби бир қатор индивидуал-психологик хусусиятлар ўзининг таъсирини кўрсатган.

Талабаларнинг умумий ва социал интеллект кўрсаткичлари ўртасидаги корреляциялар аниқланди (3-жадвал).

Талабаларнинг умумий ва социал интеллект кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг r-корреляция коэффиценти бўйича) (N=292)

Умумий интеллект	Мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш	0,469*
	Шахслараро ўзаро таъсир	0,521**
	Социал интеллект	0,510**
Мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш	Новербал хулқ-атвори тушуниш	0,443*
	Шахслараро ўзаро таъсир	-0,411*
	Социал интеллект	0,487*
Новербал хулқ-атвори тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	0,432*
	Шахслараро ўзаро таъсир	0,509**
Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсир	0,455*
	Социал интеллект	0,487*
Шахслараро ўзаро таъсир	Социал интеллект	0,475*
Қўзғалиш кучи	Социал интеллект	0,770**
Харакатланиш кучи	Новербал хулқ-атвори тушуниш	0,646**
Тормозланиш кучи	Шахслараро ўзаро таъсир	0,762**

изох: * - $p \leq 0,05$, ** - $p \leq 0,01$.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, олий таълимда таҳсил олувчи талабаларнинг умумий ва социал интеллект кўрсаткичлари ўртасидаги имкониятларни ўрганиш сўровномлари бўйича факторлар орасидаги корреляцион алоқалар кўпроқ умумий интеллект факторлари: мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш ($r=0,469$, $p \leq 0,05$), шахслараро ўзаро таъсир ($r=0,521$, $p \leq 0,01$) ва социал интеллект ($r=0,510$, $p \leq 0,01$) факторлари билан, мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш шкаласи: новербал хулқ-атвори тушуниш ($r=0,443$, $p \leq 0,05$), шахслараро ўзаро таъсир ($r=0,411$, $p \leq 0,05$) ва социал интеллект ($r=0,487$, $p \leq 0,05$) факторлари билан, новербал хулқ-атвори тушуниш шкаласи: вербал экспрессияни тушуниш ($r=0,432$, $p \leq 0,05$) ва шахслараро ўзаро таъсир ($r=0,509$, $p \leq 0,01$) факторлари билан, вербал экспрессияни тушуниш шкаласи: шахслараро ўзаро таъсир ($r=0,455$, $p \leq 0,05$) ва социал интеллект ($r=0,487$, $p \leq 0,05$) факторлари билан, шахслараро ўзаро таъсир шкаласи: социал интеллект ($r=0,475$, $p \leq 0,05$), қўзғалиш кучи шкаласи социал интеллект ($r=0,770$, $p \leq 0,01$) факторлари билан, ҳаракатланиш кучи шкаласи новербал хулқ-атвори тушуниш ($r=0,646$, $p \leq 0,01$) факторлари билан, тормозланиш кучи шкаласи шахслараро ўзаро таъсир ($r=0,762$, $p \leq 0,01$) каби факторлар орасида ўрта даражада корреляцион алоқалар кузатилаётганлигини кўриш мумкин.

Шу жиҳатдан эмоционал интеллектнинг индивидуал типик равишда

шаклланиш жараёни ёш ва жинс жиҳатдан соддадан мураккабликка қараб бориши юқорида қайд этилган жадвалда намоён бўлган. (4-жадвал).

4-жадвал

Талабаларда эмоционал интеллект ривожланишининг индивидуал типик хусусиятлари (N=292)

Синалувчиларнинг жинс тафовутлари	Эмоционал интеллектнинг индивидуал-типик хусусиятлари
Эркак (N=73)	Бошқаларга нисбатан талабчанлик
	Юқори максималлик
	Ҳиссий барқарорлик
	Бошқаларни кузатишда юқори сезгирлик
Аёл (N=219)	Ижодийлик
	Ижодий тафаккур
	Юқори фантазия
	Кучли интуиция

Талабаларда эмоционал интеллект шаклланишининг индивидуал-типик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, уларнинг жинс бўйича тафовутлари йигитларда бошқаларга нисбатан талабчанлик, юқори максималлик, ҳиссий барқарорлик ва бошқаларни кузатишда юқори сезгирлик каби шкалаларни ташкил этган. Қизларда ижодийлик. Ижодий тафаккур, юқори фантазия ва кучли интуиция кабилар билан фарқланган.

Талабалар эмоционал интеллектининг индивидуал типик хусусиятларини тўлақонли ёритиш учун эмоционал интеллект сўровномалари билан В.М.Русаловнинг «Индивидуалликнинг расмий-динамик хусусиятлари сўровномаси» ўртасидаги ўзаро боғлиқликлардан фойдаланилди. Мазкур сўровномани тадқиқот объектларида татбиқ этилгандан сўнгра уларнинг натижалари таълим йўналишлари (дефектология, педагогика ва психология, бошланғич таълим ва спорт тарбия иши) хусусияти билан ўзаро алоқадорликда таҳлил этилди. Тадқиқот натижалар қуйидаги жадвалларда келтирилди. Биринчи навбатда, таълим йўналишлари бўйича талабаларнинг асаб тизими хоссалари билан детерминантлашган индивидуалликнинг барқарор расмий-динамик хусусиятлари (темпераментга доир) юзасидан таҳлил қилинади. Сўнгра талабаларнинг эмоционал интеллекти билан индивидуалликнинг расмий-динамик хусусиятларининг корреляцион алоқадорлиги аниқланди.

Эмпирик кўрсаткичларга кўра, талабаларнинг расмий-динамик хусусиятларига кўра, дефектология таълим йўналиши талабаларининг психомотор фаоллик индексига кўра, умумий ҳолат флегматик (72,62), интеллектуал фаоллик индексига кўра эса аралаш юқори эмоционал тип (5-жадвал).

Таълим йўналишларига кўра талабалар индивидуаллигининг расмий-динамик хусусиятларининг кўрсаткичлари (N=292)

Шкалалар	Дефектология (N=112)		БТ ва СТИ (N=100)		Педагогик ва психология (N=80)	
	Балл	Темперамент	Балл	Темперамент	Балл	Темперамент
Психомотор фаоллик индекси	72,62	Флегматик	112,53	Холерик	94,53	Ноаниқ тип
Интеллектуал фаоллик индекси	87,03	Юқори эмоционаллик а эга аралаш тип	84,18	Юқори эмоционалликка эга аралаш тип	101,37	Юқори фаолликка эга аралаш тип
Коммуникати в фаоллик индекси	104,60	Юқори фаолликка эга аралаш тип	82,60	Куйи эмоционалликка эга аралаш тип	125,73	Юқори фаолликка эга аралаш тип
Умумий фаоллик индекси	263,26	Юқори эмоционалликка эга аралаш	261,75	Юқори эмоционалликка эга аралаш тип	261,75	Юқори эмоционалликка эга аралаш тип

(87,03), коммуникатив фаоллик индекси бўйича юқори фаолликка эга аралаш типга (104,60), умумий фаоллик индекси бўйича (263,26) юқори эмоционалликка эга аралаш ифодаладилар. Бу эса дефектология таълим йўналиши талабаларининг истикболда касбий хусусиятига кўра болалар билан турли даражадаги коррекция ишларига мойиллик, уларнинг туйғу-кечинмаларини инобатга оладиган, сабр-тоқатли ва қаноат билан ишлашларини белгилаб беради.

Бошланғич таълим ва спорт тарбия иши йўналиши талабаларининг расмий-динамик хусусиятларига кўра қуйидаги темпераментал хусусиятлар аниқланди: психомотор фаоллик индекси кўра холерик (112,53), интеллектуал фаоллик индекси кўра эса юқори эмоционалликка эга аралаш тип (84,18), коммуникатив фаоллик индекси бўйича куйи эмоционалликка эга

аралаш типга (82,60), умумий фаоллик индекси бўйича (261,75) юқори эмоционалликка эга аралаш типга мансубликлари кузатилди. Ушбу таълим йўналиши талабалари мутахассис сифатида иккита ўзига хос хусусиятнинг муажассамлашувини тақозо этмоқда. Бир жиҳати спорт иши билан шуғулланувчи, иккичиси эса болалар билан ишлайдиган мутахассисга хос уйғунликка эга. Шу сабабли ҳам БТ ва СТИ йўналиши талабаларида психомотор фаоллик индекси бўйича холерик, интеллектуал фаоллик индекси бўйича юқори эмоционалликка эга аралаш тип, умумий фаоллик индекси бўйича юқори эмоционалликка эга аралаш тип сифатида акс этган бўлиши мумкин, аммо уларда коммуникатив фаоллик индекси бўйича куйи

эмоционалликка мансуб аралаш тип аниқланди. Талабалар таълим йўналишини танлашларида унинг спорт иши қисмига ортиқча урғу бериб юборган бўлишлари мумкин.

Педагогика ва психология таълим йўналиши талабалари индивидуаллигининг расмий-динамик хусусиятлари ўзига хосликка эга дейиш мумкин: психомотор фаоллик индексига кўра ноаниқ тип (94,53), интеллектуал фаоллик индексига кўра эса аралаш юқори фаол тип (101,37), коммуникатив фаоллик индекси бўйича юқори фаолликка эга аралаш типга (125,73), умумий фаоллик индекси бўйича (263,26) юқори эмоционалликка эга аралаш тип хос экан. Ўз навбатида, педагогика ва психология таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларда ҳам икки соҳа мутахассисига хос касбий сифатлар камол топиши керак бўлади. Улар бир жиҳатдан педагог сифатида таълим-тарбия муҳити учун зарур хусусиятлар, иккинчиси эса психологга (инсонлар билан психологик тадбирларни олиб боришга қобилиятлик) хос хусусиятларга эга бўлишлари талаб этилади.

Таълим йўналишига кўра индивидуалликнинг расмий-динамик хусусиятлари асосида талабалар эмоционал интеллектининг индивидуал-типик хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун тадқиқот методикалари ўртасидаги (ИРДХС ва эмоционал интеллектни тадқиқ этиш методикалари) ўзаро боғлиқликлар тадқиқ этилди.

Дефектология таълим йўналиши талабалари индивидуаллигининг расмий-динамик хусусиятлари билан эмоционал интеллект хусусиятлари ўртасидаги корреляция муносабатларида қуйидагича ҳолатлар кузатилди (6-жадвал).

Агар ушбу боғлиқлик дефектология таълим йўналиши талабаларининг эмоционал интеллектга хос индивидуал-типик хусусиятларни ифодалашини инобатга оладиган бўлсак, қуйидаги муносабатларни ифодалашга хайрихоҳ бўлиш мумкин.

Дефектология таълим йўналиши талабаларида касбий хусусиятнинг шаклланиши нуқтаи назаридан ўзга инсонларнинг хатти-ҳаракатига кўра уларни баҳолай олишлари лозим бўлади. Бу ҳолат талабаларнинг эмоционал билимдонлиги билан психомотор фаоллик хусусиятлари ўртасидаги корреляция ($r=0,228$; $p<0,05$)да кузатилди. Дефектология таълим йўналиши талабалари болалар билан ишлашлари сабабли уларнинг асаб тизими хусусиятлари, туйғу ва кечинмаларини хатти-ҳаракатларига кўра баҳолашлари муҳимдир. Дефектологик таълим йўналиши талабаларининг эмоционал интеллект билан интеллектуал фаоллик хусусиятлари ўртасида ҳам бир қатор аҳамиятли боғлиқликлар акс этган: улар болаларга нисбатан эмпатияли бўлишлари ($r=0,227$; $p<0,05$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезувчи ($r=0,373$; $p<0,01$), болаларнинг экспрессиясини бошқара олишлари ($r=0,247$; $p<0,05$) муҳим ҳисобланади. Интеллектуал фаоллик жиҳатидан талабалар эмоционал интеллект уйғунликларга эга. Дефектология таълим йўналиши талабаларининг коммуникатив фаоллиги билан бошқа инсонларнинг ҳис-туйғуларини бошқариш бўйича ҳам ижобий корреляцион

муносабат аниқланган ($r=0,325; p<0,01$). Ушбу йўналиш бўйича мутахассислар уларга мурожаат қилган инсонларнинг ҳис-туйғуларини

6-жадвал

Дефектология таълим йўналиши талабалар индивидуаллигининг расмий-динамик билан эмоционал интеллекти хусусиятлари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (N=112)

Шкалалар	Психомотор фаоллик	Интеллектуал фаоллик	Коммуникатив фаоллик	Умумий эмоционаллик	Умумий фаоллик
Эмоционал билимдонлик	0,228*	-0,043	-0,114	-0,177	-0,116
Ўз эмоцияларини бошқариш	0,165	-0,023	-0,014	-0,086	-0,041
Ўз-ўзини далилловчи	0,059	0,044	0,100	0,055	-0,042
Эмпатия	0,173	0,227*	-0,206	-0,114	0,076
Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезувчи	0,009	0,373**	0,088	0,173	0,044
Бошқаларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш	-0,004	0,106	0,123	0,070	0,095
